



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1999 йил 18 сентябрь
шанба
Сотувда эркин нархда
№ 186 (2224)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга

Азиз ва муҳтарам Ислон Абдуғаниевич!
Биз, санъат ва маданият аҳли миллий санъатимиз ва адабиётимиз равнақи йўлида қилаётган катта гамхўрлигинизни чуқур ҳис этамиз ва юксак қадрлаймиз. Сизни маънавий ҳаётимизни янада баркамоллаштириш, маданий меросимизни авайлаб-асраш ва анъаналаримизга замонавий руҳ бағишлаш ишининг боши ҳимийси ва тенгиси ташаббускори, деб биламиз.



ОЛТИН КУЗ САРҲИСОБИ

Галвир сувдан кўтариладиган мавсум бошланди. Боғбону соҳибкорнинг, нахтакору чорвадорнинг меҳмати натижалари кўзга кўрина болади. Бугун Қўбрай туманидаги "Солх" фермер хўжалиги тасарруфдаги маккажўхори эрга ҳам ўроқ туюди. Дастлабки натижалар кўнундагидеги. Уриб олинган маккажўхори силоси пешма-пеш ханақларга жамланмоқда.

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич,
Ўзбекистон халқи бугун XXI аср бўёғасида яшаб меҳнат қилмоқда. Биз ўтган истиқлол йилларида келажак буюк давлатимизнинг салҳотининг иккатириш йўлида улкан довлар олдик. Сизга айтмоқчимизки, биз ўз ижодимиз билан, кўй ва қўшиқларимиз билан Ватанга жон фидоимиз. Она-Ватанимиз янада гуллаб-яшнайсин. Осмонимиз порлоқ бўлсин.

Биз санъат ва адабиёт арбоблари, фахрийлари ва барча наомандалари ҳаётимизнинг ҳар дақиқасида ўзимизни Сизга сифош ва елкаш деб биламиз. Бугун маҳоратимизни, улкан тажрибаларимизни миллий маданиятимиз равнақида сафарбар этиб, ўз соҳамизнинг янги, ҳар томонлама баркамол авлодини етиштириш орқали Сизга бўлган юксак ишонч, меҳр-муҳаббатимиз ва салҳотимизни намойиш этамиз.

- Савид АХМАД, Эркин ВОҲИДОВ, Ҳошиб САДУЛЛА, Рауф ПАРФИ, Хуршид ДАВРОН, Насиб АБДУЛЛАЕВА, Замира СУЮНОВА, Мамура ЭРТАШЕВА, Қизилор ДУСТМУХАМЕДОВА, Гулзагон ЕҒУБОВ, Абдуҳасим ИСМОИЛОВ, Исмом ЖАЛИЛОВ, Форуқ СОДИҚОВ, Султаноли МАННОПОВ, Камолиддин РАҲИМОВ, Исмомжон ВАҲОБОВ, Исмомжон ВАҲОБОВ, Мардон МАВЛОНОВ, Насиб САТТАРОВА, Сафия САТТАРОВА, Илҳом ЖҲРАЕВ, Эмюрду ИСЛОМОВ, Аҳмаджон ДАДАЕВ, Света ХУДОБЕРГАНОВА, Гийс БОЙТОВЕВ, Рашид ХОЛИҚОВ, Сопиргул ЖУМАНИЗОВА, Охунжон МАДАЛИЕВ, Мавлуда АСАЛҲУЖАЕВА, Ҳожибой ТОҶИБОВЕВ.

"ВАТАНИМГА ТАЪЗИМ"

Маданият ишлари вазириликнинг "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси маданият вазириликнинг саккиз йиллигига бағишлаб "Ватанимга таъзим" деб номланган бадиий кеча ўтказди.

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Давлатларнинг жаҳон майдонига оубруси кўп жиҳатдан унда амал қилувчи сайлов тизимининг очиқлиги ва демократиклигига боғлиқ. Ҳозирги вақтда халқаро кузатиш ташкилотлари кенг тарқалмоқда. Ўзбекистонда ўтказилган сайловларда ҳам халқаро кузатиш ташкилотлари вакиллари бўлиши режалаштирилмоқда.

ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кеңашчи котиби М.Рахмонова ва ташқи ишлар вазири А.Комиллов ўтказган матбуот анжумани Қирғизистон жанубидаги воқеаларга бағишланди.

Ташқи ишлар вазири хорижий ва маҳаллий журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, матбуот анжумани Қирғизистон жанубида бўлаётган воқеаларга яна бир бор қайтиб, эътиборни хатарли оқибатларга олиб келаятган айрим омидаларга қаратиш учун уштортирилганини айтди. Матбуот вакиллари билан уррашнинг қатъий зарурияти бу воқеалар тарафига сиёсий ва тури дипломатик найранглар билан боғлиқдир. Марказий Осиё давлатлари жамоатчилигини, шунингдек, жаҳон жамоатчилигини қалғитиш мақсадида нопок усуллар билан сафсатаболлик ва ёлгончилик фойдаланилмоқда. Хусусан, гап Бирлашган тожик мухолифати раҳбари жаноб Абдулло Нурийнинг айтилиши билан боғлиқ. Баёнотда у Қирғизистон жанубидаги воқеалар учун масъулиятини ўз зиммасидан ва Бирлашган тожик мухолифати зиммасидан соқит қилишга уринади.

Жирғатолдан вертолётда Душанбе шаҳрига олиб кетилган. У ерда мулла Абдуллога тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. Шу йил 17 июлда Тожикистон Республикаси ҳукумати билан мухолифат уртасида гайриқонуний қуроли бўлинма-ларни тарқатиш юбюриш ва кўрсатилган тўрт тўртасида келишув протоколи имзолангандан сўнг, С.А.Нурий, М.Зиёев ҳамда тожик ақшадарастларининг мулла Умар, Жунайдулло, "Шайх" ва "Шоҳ" каби дала қўмондонлари жангарилар отрядларининг Тожикистоннинг турли жойларидан Тожикистон Республикасининг Коратегин зонасидаги Бирлашган тожик мухолифати назорат қилиб турган ва бориш қийин бўлган жойларга (Тавилдара, Саридашт, Тожиқбоҳ, Жирғатол, Хойт қишлоқлари) олиб ўтишни ташкил қилишда бевосита иштирок этгани бизга маълум. Бу операциянинг мақсади ўзларининг узокни кўзларининг амалга ошириш учун жангариларнинг яшириш ва сақлаб қолиш эди.

Афғонистон ва бошқа мамлакатлардаги экстремистик кучлар ҳам турибди, деб айтиш учун бизда ҳозир ҳамма асос бор. Хусусан, Бирлашган тожик мухолифати билан тоғилар уртасида, шунингдек, айни пайтда Афғонистонда турган Т.Иўдошев ва ҳозирги вақтда олий судловдан яшириб юрган бошқа жиноятчилар уртасида радиоалоқа мавжудлиги аниқланган.

Биринчи. Биз такрор ва такрор айтганимиз, террорчиларнинг Тожикистон Республикаси ҳудудида Қирғизистон Республикаси ҳудудида суқлиб кириши тасодифий ҳодиса эмас. Бу — кўп вақт давомидла пухта тайёргарлик қилинган операциядир. Қайси йўналишдан ўтиш олдидан ўйлаб қўрилган, зарур қурол-яроғ, анжомлар, шунингдек, радиоалоқа билан пухта таъминланган тўдлар олдидан тузилган.

Ҳожи Очқанда жойлашиб олган жангариларни дори-дармон, озиқ-овқат ва қурол-яроғ билан қим таъминламоқда? Тоғларга совуқ тушиб қолган ҳозирги пайтда уларга қим иссиқ кийим-кечак бериляпти? Қирғизистон жанубига ўтиб, 45 кундирик, у ерга ўрнашиб олган жангариларни қим қўллаб-қувватлашга ва қим таъминлаб туришга? Ахир булар шарт эмас, балки қуро-ларни тўқнашувни давом эттиряётган ва одамлар хавфсизлигига таҳдид солаётган жиноятчиларку.

Хойт, Чусал ва бошқа жойлардаги омиборлардан изга солинган қаналар орқали Қирғизистон жанубидаги жангариларнинг жанговар ҳаракатлари зонасига қурол-яроғ, ўқ-дори, озиқ-овқат, дори-дармон, иссиқ кийим ва чодирлар ҳеч қандай тўқнашувга келтирилмоқда. Масалан, шу йил 6-7 сентябрь, кунлари Илҳомбек қомандирлик қилаётган жангарилар гуруҳида Тожикистон ҳудудида ўқ-дори келтирилди. Бирлашган тожик мухолифати жангарилари қаровонларни олиб ўтиш учун йўлбошловчилар тайинланди, уларнинг Тожикистон-Қирғизистон чегарасидан ўтиши учун хавфсизлигини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга

МУҲТАРАМ ВА АЗИЗ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!
Биз мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшовчи қирғиз миллатининг бир гуруҳ вакилларимиз. Сизни ўзбекистон катта отаси сифатида юртда барча миллат вакиллари-нинг тинч ва шўқ бўлиб яшашларини таъминлашда олиб бораётган ишинеизни ниҳоятда қадрлаймиз.

Сайлов — халқ иродаси ва ишончи белгиси

Тоғкиста Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг амалий семинар-кеңашчи бўлиб ўтиди. Унда Марказий сайлов комиссияларининг аъзолари, округ сайлов комиссиялари раислари, ҳокимликлар ташкилий бўлими мудири, тегишли вакиллик, кўмак, сукуратбитоб идоралари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилири, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, республика ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комиллов мажлиснинг мақсади ва унинг ўтказиш тўғрисидаги қону ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Мамлакатимиз Президентлиги, Олий Мажлиси, вакиллик органлари сайловлар умумий, тенг, турғидан-турғи сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда сайлов тўғрисидаги қонуларни ўз ифодасини топган. Зеро, сайловлар демократияни мустақкамловчи, фуқароларга сиёсий оин ва демократик қўнимларни шакллантирувчи омиллардир.

Сайловни ташкил этувчи ва уни ўтказувчи комиссиялар — Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссияларининг асосий вазифаси ҳам биринчи навбатда сайловчи ва сайланувчилар учун қўлай шарт-шароит яратиш, сайловларнинг ушқоқлик билан ва юқори савияда ўтишини таъминлаш, энг муҳими, бу борда демократик тамойилларга риоя қилинишини назорат этиб туришдан иборатдир. Бунда, албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонулар асос вазифасини ўтади.


Ушбу қонуларда демократик сайловларнинг халқаро мезон ва талаблари тулиқ ҳисобга олинган. Чунинчи, Инсон ҳуқуқлари декларацияси ва 1990 йилда қабул қилинган Копенгаген конференцияси ҳужжатига баён этилган сайловларнинг умумийлик, ошқорлик, тенг ҳуқуқлик, ихтиёрийлик, бевоситалик, адолатлик ва овоз беришдаги яширинлик тамойиллари қонуларимизда ўз аксини топган.

Семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Қўнчилик ва суз-қуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н. Исмомлов, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий сули раиси Б. Эшонов, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдари қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг директори А. Турсунов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари А. Файзуллоев ва бошқар сайловларига асосий эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов ва Олий Мажлис сайловлари билан эълон қилингандан бўён ўтган вақт давомидла сайловларга тайёргарлик ишлари белгиланган аниқ режа бўйича амалга оширилмоқда. Жумладан, Марказий сайлов комиссияси Президент сайловини бўйича 14 та, Олий Мажлис сайловини бўйича 250 та сайлов округини тузиб, уларнинг чегаралари ва қонун талабига мувофиқ келадиган сайловчилар миқдорини белгилаб чиқди.

КИФЕР РАҚИБ ТАНЛАМАЯПТИ

Шу кунларда Ўзбекистон бутун дунё теннис мухлисларининг диққат-эътиборида турибди. Би-Би-Си, Си-Эн-Эн, Рейтер, И-Эс-Пи-Эн, Евроспорт, Теледе-Порто, Израиль Канал Спорт каби ўнлаб хорижий оммавий ахборот воситалари юртимизда ўтказилаётган «Президент кубоги» халқаро турнирини кенг ёритаяпти. Ушбу халқаро мусобақанинг меҳмонлари мезбонлар хотирасида ўчмас бўлиб қоладиган қувончлари, ҳаяжонлари, қўтилгану қўтилмаган натижалари эса ҳали олдинда.



Унинг кўпчилик тахмин қилганидек, Бастига галаба келтирди. У теннис тўлини истаган масофадан туриб бемалол кузлаган нуктага тушира олди. Унинг 6/2, 6/4 ҳисобида яқинлади. Шундан сўнг Петер Весселс (Голландия) — Аксел Претс (Германия) учрашуви бошланди. Унинг анча шиддатли кечди. Аммо маҳорат бўлида ўз рақибидан ҳар томонлама устун эканлигини исботлаган Весселс дастлабки уйинларда Мосе Наварра ва Саргис Саргисяни мағлубиятга уратди. А. Претснинг зафарли юришидан «тўқтиб» қолди. Биринчи сени тая брекда ўз ҳисобига ҳал қилган Петернинг иккинчи сетда «иштаҳаси» шу даражада очилдики, ҳатто у рақибига бирорта ҳам очко бермади — 6/0.



СПОРТ



Аммо мажор турнирнинг чорак финал уйинларидаги зарку шавқ, ҳаяжонга тула лаҳзалари томошабилар қалбидан бир умр шуълаланса ажабмас. Гап шундаки, шу кунги Европа ва Америка қорларидан барча мухлисларнинг чинакам ҳайратига сабаб бўлган Николас Кифер деисизми, Георг Бастими ёки голландиялик Петер Весселс, Даниель Вакек, уларнинг ҳаммаси ҳам энг гузал уйинларини намойиш этишди.

МУБОРАК МУСТАКИЛЛИК БАЙРАМИ ВА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА КЎКОН ШАХРИДАГИ 2-ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ НЕГИЗИДА ФАНЛАР БЎЙИЧА ОЛИМПИАДА ЗАХИРАЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚ МАКТАБИ ҲАМ ҲАМ

ФАРҒОНАДА ФАҚАТ ФУТБОЛ ҲАМ ҲАМ

Шу йилнинг 27 майида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарордан сўнг Фарғона вилоятида соҳани янада ривожлантириш, туб бурилишлар ясашига қаратилган кенг қамровли тадбирлар дастури ишлаб чиқилипти. Аммо бу тадбирлар ҳамма жойда ҳам бирдек амалга ошириляптими?

ҲАМ ҲАМ

Яйпан шаҳри марказида бинойидек, беш минг томошабинга мувожазланган уйингоҳ бор. Бу ерга ҳар кун Ўзбекистон туманининг барча қишлоқларидан ўнлаб, юзлаб «ишқибозлар» ташириб буюради, дейишса ишонаверинг. Мусика салолари эрта тондан шомгача тинмайди. Азиз газетхон, балки сиз туманда спортга ҳамма жон-дили билан қўшилган экан-да, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Қани энди, ҳақиқатда шундай бўлса, Афсуски, ҳақиқатда уйингоҳ ўтган йилдан бери «Бахтли воқеа» лотерея уйини ишқибозлари ихтиёрига бериб қўйилган. Спорт иншооти танда қилиб олган, бахтини излаётган «ишқибозларнинг келбатидан спортнинг қайси тури билан шуғулланишини фол очиб ҳам билолмайсан.

Ўзбекистоннинг гребли, байдарка, эшак эшиш спортлари билан шуғулланувчиларнинг асосий базасига айланган. В. Иуллошевнинг шоғирдлари жаҳон, Осиё биринчиликларида, Олимпия уйинларида қўлга киритган ютуқларини кўпчилик яхши билади. Фақатгина ўтган йил Осиё уйинларида Рафал Исломов олтин, Антон Ревев кумуш медалга соҳиб бўлганлигини, В. Иуллошев эса йилнинг энг ахши мураббийси деб топилганлигини эслаб ўтишимиз ўзи кифоя.

ҲАМ ҲАМ

Раис билан келгуси режалар, тадбирлар ҳақида гурунг қиламиз. Яна футбол ҳақида гапиришдан ҳижолат бўлдимки, «Бахтли воқеа» лотереясидан ҳар ойда 5000 сўм ихтисослик пули тушаётганини маъна ҳолда таққирлаб, энди танқид қилган хонларнинг уйингоҳга тақлиф қилиб, концертлар уюштириш таралдулида эканликларини қийратиш ўтди. Ажабо, бу мутасадди спорт мусобақаларини ташкиллаштириш, ўтказишга масъули ёки унинг шуюнчалик вазифи ҳам борми?!

ҲАМ ҲАМ

Индустриал Қирғулиннинг санат корхоналари билан аҳоли истиқомат қилган мавзени мовий кўл ажратиб турар эди. Бу ноёб сув иншооти қирғуликларнинг семвили оромгоҳи бўлибгина қолмай, шаҳарни санат чикиндиларидан ҳимоя қиладиган қалқонлардан бири ҳам ҳисобланарди.

ҲАМ ҲАМ

Абдулла Кодирнинг номидаги Тошкент давлат маданият институтини қуйдаги ихтисослашқар бўйича қўнғузсув ва сиртқи аспирантурага қабул эълон қилади: «Мағаний-мариций фаолият назарияси, услубиети ва уни ташкилла қилиш»; «Қутубхонашунослик ва библиографияшунослик».

ҲАМ ҲАМ

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририни жамоалари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг таржумони Ленура Бойтерия-қогага волидади. АХМЕДШИНА Гулчера Ҳалъуло кичиниқ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия иҳдор қилади.

Тошкент электр техника алоқа институти. Қўйидаги вақант лавозимларга танлов эълон қилади. Доцентлар: 1. Электрон ва квант асбоблари-1, 2. Электр занжирлари назарияси-1, 3. Иқтисодий назарияси-1. Катта ўқитувчилар: 1. Электр занжирлари назарияси-1, 2. Чет тили-1, 3. Жисмоний тарбия-1. Ўқитувчилар: 1. Чет тили-2, 2. Ўзбек ва рус тиллари-3, 3. Ассистентлар: 1. Олий математика-1, 2. Фалсафа-1, 3. Эҳтимоллар назарияси ва статистика-1, 4. Иқтисодий назарияси-1, 5. Физика-2. Арисалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича доцентлар, фан номзодлари ва олий ўқув юрларида педагогик иш стажларига эга шахслар қатнашишлари мумкин. Институт манзили: Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 108. Тел: 35-11-50.

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ - ЎЗБЕКИСТОН «Парламент дебатлари» мавзусидаги семинарда (1999 йил, 2 - 6 октябрь) қатнашиш учун очик танлов эълон қилади. Танловда олий ўқув юрларининг барча хоҳловчи ўқитувчилари ва ҳодимлари иштирок этиши мумкин. Танловда иштирок этиш учун қуйидаги сўровномани топириш керак: 1. Иштирок этишчи ҳақида тўлиқ маълумот (исми-шарифи, ишлаш жойи, лавозими, иш ва уй манзиллари ва телефон рақамлари). 2. Семинарда қатнашишдан кўзда тутилган мақсад ҳақида қисқача баёнот (бўлиб ўтаётган воқеалар ва ижтимоий ҳаёт муаммоларини муҳокама қилиш ва баҳолай олиш билан сизнинг иш фаолиятингиз қандай боғлиқ; қандай аналогик усуллари қўлайсиз; «Дебат» дастури ҳақида қандай маълумотга эга сиз; шу дастурни нима учун этлаб олмоқчисиз). Семинар давомида Ўзбекистон Республикасида янги дастурни ривожлантириш бўйича тренерларни тайёрлаш амалга оширилади. Уз навбатда улар студентларга мулоқот қилиш, баҳо олиб бориш, дебатларда иштирок этиш, оммавий ахборот воситаларидан (газета, журнал, радио, телевидение ва бошқа манбалардан) фойдаланишга ўргатадилар. Семинар мобайнида турли мавзулар бўйича манбалардан фойдаланиш; ўз нуктаназарини сўхбатдошнинг нуктаназари билан солиштира олишга; баҳо давомида ўзининг тутган мавзисини ҳимоя қилишга оид машғулот ва тренинглр ўтказилади. Семинарнинг ўтказилиши 2-6 октябрь кунларига белгиланган. Сўровномаларни қуйидаги манзил бўйича топиришнингизни сўраймиз: 700031, Тошкент ш., Зарбоғ кўчаси, 31 тел/факс: (371) 120-68-54, 152-27-41 «Дебат» дастури Дастур координатори - Ашвар Раҳимов Сўровномаларни қабул қилишнинг сўнги муддати 25 — сентябрь

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАҲРОДИЙ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), У. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сўий ҳаёт — 133-57-34; Хуқуқ — 136-07-94; Иқтисодий — 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85; Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 0726, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди. Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ. Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ. Мусаҳҳих — Ш. МАШРАБОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 120. Босишга топириш вақти — 21.00 топиришлари — 00.20 1 2 3 4 5 6